

ҲАР ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шерзод ҚУРБОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ходими, эксперт.

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг ривожланиш тенденциялари ҳамда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги музокаралари натижалари таҳлил қилинган. Муаллиф савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликнинг сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилганини ёритади.

Мақолада Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихи, стратегик шерикликнинг институционал асослари, қўшма корхоналар сонининг ортиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсиши ҳамда юқори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, таълим ва муҳандислик соҳаларидаги ҳамкорлик истикболлари таҳлил қилинган. Шунингдек, меҳнат миграцияси, корейс диаспораси, IT-инфратузилмани ривожлантириш ва инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаллиф Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқларни ривожлантириш ҳамда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда муҳим омил эканини таъкидлайди. Хулоса сифатида стратегик шериклик доирасида амалга оширилаётган қўшма инвестиция ва юқори технологияли лойиҳалар аҳоли фаровонлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши қайд этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Жанубий Корея, стратегик шериклик, инвестициялар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, инновациялар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, қўшма корхоналар, барқарор иқтисодий тараққиёт.

Маълумки, 1992 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея Республикасининг икки томонлама битимларида енгил саноат, савдо-иқтисодий соҳалар бир текис ривожланди. Синалган дўстликни мустаҳкамланишига 2006 йилда Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларация қабул қилиниши пойдевор бўлди.

Шу аснода дипломатик муносабатлар самарали кечиб 1995 йилда Корея Республикасининг Миллий Ассамблеясида «Корея - Ўзбекистон» парламентнинг дўстлик уюшмаси, 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Икки мамлакат ўртасида ҳукуматлар даражасидаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари ва 2017 йилдан буён Ўзбекистон - Корея Республикаси раҳбарлари ўртасидаги иқтисодий-сиёсий музокаралар кенгайди. Дастлабки янги босқич — 2017-2019 йилларда ҳукуматлараро битимлар ва тижорат шартномаларининг умумий миқдори сезиларли ўсди. Бу юртимизда қўшимча қиймат яратишга ҳисса қўшди.

Ўтган етти йилда жаҳон ҳамжамияти томонидан «Осиё йўлбарси» деб эътироф этилган Жанубий Корея Ўзбекистон иқтисодиёти, ташқи савдосида асосий ўринларни эгаллаб, асосий шерикка айланди. Бинобарин, глобаллашув шароитида муҳим бўлган ахборот технологиялари, рақамли тиббиёт, таълим соҳалари, шунингдек, мактабгача таълим тизимидаги ўзига хос интеграциялашув илмий-амалий жиҳатдан жадаллашди.

2023 йилда Ўзбекистоннинг Кореяга етказилган экспорт ҳажми 2022 йилга нисбатан 15 фоизга ўсди. Ўзбекистон индустриясига жалб қилинган тўғридан-тўғри Корея Республикаси инвестицияларининг умумий ҳажми ҳам ошди.

2017 йил охирида Кореядан сармоя иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 25 йилги натижа ўлароқ 510 тани ташкил этган. Бугун жами Корея инвестициялари ҳисобига мамлакатимизда энергетика, кимё, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларда 726 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Демак, ўтган 7 йилда Корея инвестициялари ҳисобига қўшма корхоналар 216 тага қўпайиб, янада янгилари жадал лойиҳалаштирилмоқда.

Мақсадли, ишчан лойиҳали инвестициялар ишлаб чиқаришга йўналтирилиб, эксперт экспортбоп маҳсулотлар халқаро бозорларни забт этмоқда. Бундай улкан иқтисодий ҳамкорликдан асосий мақсад — иқтисодий барқарорликни таъминлаш, қўшимча қиймат яратишдир. Зеро, ташкил қилинаётган минглаб қўшма корхоналар ортида юзлаб оилаларнинг тўқинлиги, даромади борлигини ўйлашнинг ўзи иқтисодиётимизда қўшма корхоналарнинг аҳамияти нечоғлик зарур эканини кўрсатади.

Жорий йилнинг 13-15 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёл давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Олий даражадаги музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Жанубий Корея билан дипломатик алоқалар тарихига тўхталар экан, умумий 32 йил, шундан стратегик шерикликнинг жадал интеграциялашуви сўнгги беш йилликда катта фарқ билан самарали ривожланганини, юқори

технологик ва инновацион шерикликнинг янги даври бошлаганини қайд этдилар.

Буни Корея Республикаси Президенти билан олиб борилган музокараларда ҳам яққол кўриш мумкин. Олий даражадаги битимлар имзолашда Жанубий Корея Ўзбекистон билан сўнгги йилларда уюшган меҳнат миграцияси тўғрисида битим тузган биринчи давлат экани алоҳида қайд этилди.

Дўстона дипломатик муносабатлар тарихига назар ташласак, Марказий Осиёдаги корейс диаспораси вакилларида энг кўпи Ўзбекистонда яшаб 180 минг нафардан ортиқ. Ўтган асрнинг 30 йиллари охирида бу ҳудудга кўчирилган корейсларни илиқ қабул қилган бағри кенг халқимиз фазилатлари икки халқ қадриятларини бугун уйғунлаштириб, ўзаро ҳурмат ва борди-келди анъаналарини боғлаб туради.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратамиз, Ўзбекистон тараққиётини таъминлашда «Электрон ҳукумат»ни ривожлантириш, «Рақамли Ўзбекистон» стратегиясини ишлаб чиқиш, IT-парк салоҳиятини мустаҳкамлаш ва “U-Enter” бизнес инкубаторларини яратишда Корея билан институционал ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, мамлакатлар тараққиёти таълим билан боғлиқ бўлиб, олий таълим соҳасидаги музокараларда сунъий интеллект, бизнес жараёнларини аутсорсинг қилиш ва рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш кўриб чиқилгани истиқболли ютуқлардан бўлди. Шунингдек, Ўзбекистонда минтақавий юқори технологик хаб яратиш бўйича стратегик дастурни тайёрлаш муҳандислик мактабларини ривожлантиришда муҳим булади.

Ҳамкорлик салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, йирик юқори технологик лойиҳаларни аниқлаш ва илгари суриш учун янги шериклик моделини шакллантириш юзасидан келишувга эришилди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ва бошқа муҳим соҳалардаги келишувларда янги лойиҳалар имзолангани икки халқ манфаатларига мос келиб, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бундай салмоқли инвестициялар оқими, инновацион технологик ва юқори муҳандислик соҳалари интеграциялашуви иқтисодиётимизни барқарор тараққиёт йўлига бошлайди.